

# **Гидромелиоратив тизимда сувни ҳисобга олиш хизмати ва унинг вазифалари**

**Марузачи:**

**т.ф.н. Ф. Гаппаров**

# Режа:

- Гидромелиоратив тизим хизмати ва унинг вазифалари.
- Сувни ҳисобга олиш ва сув ўлчаш жойлари таснифи .
- Гиромелиоратив тизимдаги гидрометрик ишлар ва сув сарфини ўлчаш усуллари.

# Гидромелиоративтизим

- Гидромелиоративтизим- ўсимликларнинг ривожланиши учун зарур бўлган сув, иссиқлик, озуқа тартиботларини таъминлаб берувчи инженерлик иншоотлари мажмуи.
- Гидромелиоратив тизимнинг асосий қисмлари суғориш ва зах қочириш шаҳобчаларидан иборат.
- Суғориш шаҳобчаси ўз навбатида қуйидагиларни ўз ичига олади: сув манбаи (дарё, сув омборлари, ер ости сувлари); сув олувчи иншоотлар бўғини (тўғонсиз, тўғонли, ер остидан) тўғонлар (тупроқли, ёғочли, тошли, бетонли, темир битонли); насос станциялари, каналлар, қувурлар, гидротехник иншоотлар (ўтказувчи, уловчи, ростловчи); ёмғирлатувчи ускуналар ва суғориладиган майдонлар. Зах қочирувчи шаҳобчасига қуйидагилар киради: дреналар (очик, ёпиқ) тик қудуқлар, коллекторлар, гидротехник иншоотлар, насос станциялари, захи қочириладиган майдонлар.

# Гидромелиоратив тармоқда сувни ҳисобга олиш вазифалари

- Ўзгидромет билан ҳамкорликда тизимнинг сув захирасини белгилаш;
- Сувдан фойдаланиш режасига сув таъминоти, сувнинг табиий ростланганлиги, сув-ер балансини тузиш ва айрим ўзгартиришлар киритишда каналлар, тақсимлаш тармоқларидаги сув исрофлари, тизимнинг ф.и.к.ни аниқлаш учун сув сарфлари ва бошқа гидрометрик тавсифларни аниқлаш;
- Тизимнинг хоҳлаган жойидаги олинаётган сувни, сув олишни, сувдан фойдаланувчиларнинг хўжалик, техник ва бошқа мақсадларда сувни тўғри тақсимлаш ва ажратиш ва бошқа мақсадлар учун тизимни керакли маълумотлар билан таъминлаш

# Гидромелиоратив тармоқда сувни ҳисобга олиш вазифалари

- Суғориш каналларини ва иншоотларни тўғри техникавий эксплуатация қилиш, ҳамда лойиҳалаш ва тизимнинг иш унумдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун тизим бўйича аниқ гидрометрик ҳисоб-китобни тузиш;
- Гидромелиоратив тизимдаги насос станциялар, машинли каналлар, коллектор- дренаж, сув олувчи ва бошқа тармоқни режимини ва ишлаш шароитини ифодаловчи гидрометрик маълумотларни олиш;
- Фақатгина сувдан унумли фойдаланишни ва иш шароитини, насос режимини назорат қилиб қолмасдан, балки тўйиниш манбаида тизимдаги каналларда, сув хавзаларидаги суғорма сувлар сифатини ҳам назорат қилиш.

# Гидрометеорологик тизимдаги станция и постлар

- 78 та метеорологик станциялар
- 30 та агрометеорологик постлар
- 18 та халқора метеорологичк станциялар
- 9 та гидрометеорологик станциялар СНГ давлатларида маълумот алмашинуви
- 10 та трансчегаравий гидропостлар
- Жами станция ва постлар 145
- Аэровизуал тадқиқотлар (95 кузатув пунктлар);
- Махсус экспедицион тадқиқотлар;
- Дистанцион зондлаш усуллари (космос NOAA 17,18)

## станция ва постлар

- Гидрологик станция – маълум ходимлар штатига эга бўлган давлат ташкилоти тушунилади.
- Гидрологик пост – маълум талабларни ҳисобга олиб, дарё ёки бошқа сув объектининг тегишли қисмида кузатиш ва ўлчаш ишларини амалга ошириш мақсадида танланган, махсус қурилмалар билан жиҳозланган жой тушунилади.
- Станция ва постлар бажарадиган иш турларига қараб қуйидагиларга бўлинади:
- Метеорологик, аэрологик, гидрологик ва денгиз гидрометеорологик.

# Гидрологик станция ва постларнинг разрядлари


- Гидрологик станциялар:
  - I разрядли гидрологик станцияларда сув объектларининг гидрологик режими элементлари тўла ўрганилади, II разрядли гидрологик станцияларда олиб бориладиган ўлчаш ва кузатиш ишларини назорат қилиб боради;
  - II разрядли гидрологик станциялар сув объектларида тўғридан-тўғри ўлчаш ишларини амалга оширади ва маълумотларни қайта ишлайди.
- Гидрологик постлар:
  - I разрядли гидрологик постларда сув режимининг барча элементлари бўйича кузатиш, ўлчаш ишлари олиб борилади;
  - II разрядли гидрологик постлар ҳам I разрядли гидрологик постлар каби иш олиб боради. Уларда сув ва оқизиклар сарфи ўлчанмайди;
  - III разрядли гидрологик постларда сув сатҳи, музлаш ҳодисалари, сув ҳарорати белгиланган муддатларда кузатилади



## Сув ўлчаш жойида қуйидаги кузатишлар олиб борилади

- Сув сатҳининг баландлиги;
- Сув ҳарорати;
- Лойқаликка намуна олиш;
- Музлаш ҳолатини кузатиш;
- Тўлқин баландлигини кузатиш (кўллар ва сув омборларда);

# Гидропостларнинг жойлашиш схемаси



## Кузатишларнинг вазифаси:

- Сув объектларининг гидрометеорологик режимини ўрганиш мақсадида мунтазам кузатишлар олиб бориш;
- Турли манфаатдор ташкилотларни зарур гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш, уларни хавфли гидрологик ҳодисалардан огоҳлантириш;
- Кузатиш постлариги қарашли ҳудудда мунтазам равишда кузатишлар олиб бориш;
- Маҳаллий аҳоли орасида гидрометрик билимлар ва гидрометрик хизмат фаолиятини оммалаштириш.

## Дарёлар, кўллар ва сув омборларидаги гидрологик ва гидрометрик ишлар таркиби

- Гидрологик станция ва кузатиш жойларининг тузилиши ва жиҳозланиши;
- Сув манбаларининг чуқурлиги ва ўзан туби рельефини ўрганиш ишлари;
- Сув сатҳини ўзгаришини кузатиш;
- Сув ҳавзалари термик режимини кузатиш (ҳарорати, музлаши);
- Сувнинг оқиш тезлигини ўлчаш;
- Сув сарфини, оқим ҳажмини ҳисоблаш;
- Оқизиклар сарфини ҳисоблаш;
- Муаллақ ва ўзан туби оқизикларини ўрганиш;
- Сувнинг кимёвий таркибини аниқлаш бўйича кузатишлар.